



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 6 сентябрь,
№75 (1042)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

МУНОСАБАТ

Ҳам ғурур, ҳам шарафдир ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Президент Ислам Каримовнинг давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Яғонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!» шиори остида ўтказилган байрам тантанасидаги табрик сўзи кўпчилик қатори мени ҳам руҳлантириб юборди. Юртбошимизнинг: «Мамлакатимиз тараққиётида янги босқич ва уфқларни забт этишда барчамизни қувонтирадиган, энг катта мезон аввало юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди», деган сўзлари ҳар бир юртдошимизнинг қалбини фахру ифтихорга тўлдирди.

Дарҳақиқат, халқимизга лаларининг хизмат бинолари тинчлик ва омонлик керак. Фаолиятимиз давомида барча ютуқларимизнинг асоси, Ватанимиз тараққиётининг муҳим омил — тинчлик-осойишталикни сақлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда тумандаги 52 та маҳаллага услубий-амалий жиҳатдан кўмаклашиб келаямиз.

Албатта, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун, аввало, маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкам бўлиши зарур. Шу маънода айтадиган бўлсак, айни пайтда туманимизда ўз бисосига эга, қулай меҳнат шaroити муҳайё этилган фуқаролар йиғинлари талайгина.

Сўнги йилларда Алишер Навоий, Шукур Бурҳонов номидаги маҳалла гузарлари қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шахриободлик фаоллар эса мукамал таъмирланган бинода фаолият юритапти. Айни пайтда «Аҳилик» маҳалласининг янги бисосини қуриш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида тумандаги «Феруза», «Олмачи», «Авайхон», «Алломиш» ва «Олтинтепа» маҳал-

лаларининг хизмат бинолари жорий таъмирланди.

Кўрсатилаётган услубий ва амалий кўмак туфайли туманимизда фаолияти намунали йўлга қўйилган маҳаллалар сони тобора ортиб борапти. Бу эса ўз-ўзидан оилалар мустақамлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашишда қўл келяпти.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлиналари раислари орасида истиқлол шодийналарини арафасида камтарона хизматларим юксак қадрланганидан беҳад мамнун бўлдим. Юртбошимизнинг фармонида биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада ошириш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

■ Нурхон АЛЛОНАЗАРОВА,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Мирзо Улугбек тумани бўлини раиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси.



БИЗ КИММИЗ, ҚАНДАЙ БУЮК ЗОТЛАРНИНГ, ҚАНДАЙ БУЮК МЕРОСНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ?!



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Буюк аждодларига муносиб авлод

Юртимизда янги ўқув йилини «Мустақиллик дарси» билан бошлаш ағнага айланган. Ушбу машғулотларда ёш авлод вакиллари мустақилликка эришишимиз, биз танлаган йўл — тараққиётнинг «ўзбек модели», унинг моҳияти ва бу борада эришилган оламшумул ютуқларимиз ҳақида гапиради. Мен ҳам айнан шундай машғулотлардан бири — Тошкент ахборот технологиялари коллежиде ташкиллаштирилган «Мустақиллик дарси»да иштирок этдим.

Бу йилги «Мустақиллик дарслари» жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидеги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференцияда Президентимиз сўзлаган нутқда билдирилган фикр-мулоҳазаларга бағишланди.

Чиндан ҳам, мазкур конференция, бу — камдан-кам учрайдиган анжуман!

Ўша кунлари кўҳна ва навқирон шаҳар янада обод ва файзли тус олиб, дунёнинг 50 га яқин давлатидан келган кишиларни ўзининг беназир таровати, мафтунок манзараси билан ҳайратга солди. Самарқанд оқшомида осмонни тўлдирган порлоқ юлдузларни томоша қилиш ғоят мароқли... Ватан осмонини безаган, шак-шубҳасиз, улуг боболаримиз, буюк аждодларимиз юлдузлари...

> [2]

«МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН»

Ўзлигини англаган ўтмишини қадрлайди

Тарих — келажак кўзгуси. Мустақил Ўзбекистонимизнинг тарихи кўп қадим ва буюк, дунё тамадунида унинг ўз улуши бор. Аммо бутун ҳар қайси шахару кишлоқ, овул ёки маҳаллада истиқомат қилаётган инсон борки, ўз ҳудуди ҳақида аниқ ва батафсил маълумотга эга бўлмай туриб, мамлакат тарихини пухта ўрганолмайди.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Ўзи яшаётган қадрдон маҳалласининг тарихини билган, шунингдек, унинг урф-одат ва анъаналарига меҳр берган инсонда Ватан туйғуси кучли, юрт қадрли юксак бўлади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан, бир неча йилдири, анъанавий ўтказиб келинаётган «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!» шиори остидаги «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови

юртдошларимизда, айниқса, ёш авлод онгу шуурида тарихий хотира, юксак маънавият, халқнинг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат туйғусини кучайтираётди. Ушбу танлов ёшларга мамлакатимиз мустақилликка эришганининг буюк тарихий аҳамиятини англаштиришда ҳам том маънода маҳорат мактаби вазифини ўтаётди.

Жаннатмонанд диёримизнинг ҳар қайси кўнраги, маҳаллау мавзелирининг ўзига хос ва бетакрор ўтмиши, бой анъаналари, бири-биридан гўзал урф-одатла-



ри бор. Мустақиллик фарзандлари учун бу манзил-маъволар ҳар доим шундай файзли ва обод бўлиб келгандек туюлиши табиий. Чунки улар нурли истиқбол эгалари — истиқлолнинг толеи қулган фарзандлари. Аммо ёш авлод ҳар бир маҳалланинг бу-

гунги кунгача бўлган тарихи ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг моҳиятини тўғри англаши, бундай озод ва обод кунларга етиб келиш ўз-ўзидан бўлмаганини ўқиб олиши зарур.

> [3]

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Оила саломатлиги — баркамоллик мезони

Оила — жамият пойдевори. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда оилани мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда барча зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

■ Худойёр МАМАТОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

Чунончи, Конституцияимизнинг 14-бобиде оила жамиятнинг асосий бўғини экани, унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши белгиланган. Оила Кодекси ва бошқа қонунлар ҳам аёллар, оналар манфаатини мустаҳкам ҳимоялайди.

Президентимизнинг жорий йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазе қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу

борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашнинг аниқ механизми яратилди. Зеро, репродуктив саломатлик ҳар бир инсоннинг жисмоний, ақлий соғломлиги, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ҳам белгилайди. Репродуктив давр — бу инсоннинг ўзидан насл қолдиришга қобилиятли пайти. Шунингдек, «репродуктив ҳуқуқ» тушунчаси ҳам борки, бу атама барча эр ва аёл жуфтликлар ва алоҳида шахсларнинг болалар сони, туғилиш вақти ва оралиқдаги даврни белгилашда эркин ҳамда масъулият ҳисси билан бир қарорга келишлари, бунинг учун



шарт бўлган маълумот ва воситаларга эғалик қилишга оид асосий ҳуқуқларининг тан олинишини англайди. Оила мустаҳкамлигини белгиловчи бу омиллар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

> [2]

ИФТИХОР

Чемпионлар маҳаллада улғаяди

Истиқлол шодийналари арафасида ўзбек фарзандлари дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор намойиш этишди. 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар ёғзи олимпиада ўйинларида жаҳоннинг 170 давлатидан 14-18 ёш оралиғидаги 3500 нафардан зиёд ўсмир спортнинг 30 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди. Мазкур йирик мусобақада мамлакатимиздан иштирок этган 28 нафар ўғил-қиз спортнинг 14 тури бўйича Ватанимиз шаънини химоя қилди.

■ Ю. ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Дунё аҳли қизиқиш билан кузатиб, спортчилари ғалабасидан ғурурга тўлган, мағлубиятидан қайгурган олимпиада ўйинлари ҳар қайси халқнинг жаҳондаги обрў-эътиборини яна бир бор юксалтиргани, фарзандларининг нималарга қодирлигини синондан ўтказгани рост. Мурасасиз бахслар якунида фарзандларимиз юр-

тимизга 4 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медал билан қайтди. Бу улкан ғалаба, шубҳасиз, истиқлолимизнинг 23 йиллик байрамига муносиб совға бўлди.

Бундай муваффақиятлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган улкан эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ана шундай ғамхўрлик туфайли мамлакатимиздаги бир ярим мингдан зиёд



спорт иншоотида 65 мингдан ортиқ секциялар ташкил этилган. Уларда икки миллион нафарга яқин бола, жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шу-

ғуланмоқда. Хусусан, ҳудудларда яратилган шароит туфайли спортга ошно тутиган кишлоқ болаларининг сони йилдан-йилга ўсаётгани диққатга сазовор.

> [4]



БИЗ КИМИЗ, ҚАНДАЙ БУЮК ЗОТЛАРИНИНГ, ҚАНДАЙ БУЮК МЕРОСНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ?!

Буюк аждодларига муносиб авлод

< [1]

Халқаро анжуманда уларни сифатлашга «буюк» сўзи камлик қилаётган Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари қомусий олимлар, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бобур ва бошқа бадий сўз усталарининг илмий-бадий мерослари таҳлилига алоҳида аҳамият қаратилди. Мухтарам Юртбошимизнинг ушбу халқаро конференциянинг очилиш маросимидagi сермазmun мулоҳазалар, кишини ўйлантирадиган доно фикрларга бой нутқини анжуман аҳли бир вужуд, бир кулоқ бўлиб тинглади. Ушбу нутқ, таъбир жоиз бўлса, оддий нутқ эмас, балки ўз халқи тарихини севган, ардоқлаган, унинг учун ёниб-қуйган, буюк аждодлари билан чексиз фахрланган, бутун кучини, саъй-харакатини уларни дунёга тарғиб этишга, шунинг баробарида миллатни улуғлашга бағишлаган содиқ Ватан фарзандининг дунё олимлари билан курган дўстона, дилкаш сўхбати эди!

«Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўрта-надек отилиб чиққан икки кудратли илмий-маданий юксалишининг манбаи ҳисобланиб, — деди мухтарам Президентимиз, — жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ихобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган».

Дунё афкор оммасига қарата айтилган бу фикрлардан гурурланиб кетади киши. Юртимиздаги Уйғониш жараёнлари Европа Ренессансига замин ҳозирлагани жаҳон олимлари томонидан тан олинётгани кишида мамнуният туйғусини уйғотади.

«Мустақиллик дарси»да ўқувчи-ёшлар бундай маълумотларни кўзлари ёниб, қалблари ҳаяжонга, фахру ифтихорга тўлиб эшитишди, ўзаро фикрлашишга киришиб кетишди. Улар ўз мулоҳазаларини давлатимиз раҳбарининг фикрлари билан асослашди. Буюк бобоқалонлар ақлу зақоси ила кашф этилган буюк илмий итироларни муҳокама этишди. Жумладан, оламнинг тузилиши, Ер ўлчови ҳақида

дастлабки маълумотлар, унинг шарсимон экани тўғрисидаги далиллар жамланган Ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» китоби буюк географик кашфиётлар даврида Колумб ва Магеллан сингари улуг сайёҳларнинг ёнида олиб юрадиган китобига айланди. Уларнинг кашфиётларига асос бўлиш асносида, саккиз аср давомида, яъни XVII асргача Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида хизмат қилди.

Геодезия фанига асос солган Ал-Беруний Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, Колумбдан беш юз йил олдин Атлантика океани ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашларни илгари сурди. XI аср бугун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан «Беруний асри» деб аталгани кўнгилларни фахру ифтихорга тўлдиради, ёшларни отаболларга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Нутқда таъкидланадики: «Хиёда ташкил этилган Маъмур академияси ва «Байт ул-Хикма», яъни «Донишмандлик уйи» деган ном билан шуҳрат қозongan Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шакланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабиде самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар...». Бундан гурурланмай бўладими? Дарҳақиқат, ҳайратланадиган ҳодисалар...

Ёшларимиз кимлигимиз, қандай буюк мерос ва қандай буюк зотларнинг ворислари эканлигимизни чуқур англаб қамолга етсаларгина, улар истиқболимизнинг чин маънодаги ишончини ва таянчига айланадилар.

Ўзаро фикрлашув, қизгин мулоқотларга бой ўтган дарс тугаганидан оғоҳ этиб кўнги-роқ чалинди. Аммо ўқувчилар қалбини эгаллаган ҳаяжон билангина йўқ. Дарсни кузатиш жараёнида шунга амин бўлдимки, мамлакатимиз таълим муассасаларидаги «Мустақиллик дарслари» барчаси ана шундай шухули, қизгин ва кўтаринки руҳда ўтгани, ёш авлод қалбида худди шундай акс-садо бергани аниқ.

■ **Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби.**

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Оила саломатлиги — баркамоллик мезони



Ўша олинган сурат.

< [1]

Шу боис оилаларнинг, айниқса, ёш келин-куёвларнинг тиббий маданиятини ошириш, оналар соғлигини мустаҳкамлаш, бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида муҳим ҳужжатлар қабул қилинаётган. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги қарорлари ҳам, аввало, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб мақсадларга хизмат қилаётган. Мазкур ҳужжатлар аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим дастуриламал бўлиб, аҳоли орасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш кўникмаларини шакллантиришда қўйилган натижаларни тўғра этди. Айни пайтда юртимизда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғруқхона мажмуалари, худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, уч мингга яқин қишлоқ врачлик пунктлари, кўплаб оилавий поликлиникалар аҳолига бепул хизмат қилаётган.

2009-2013 йилларда республикада ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёл-

Таъкидлаш лозимки, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш кенг жамоатчилигининг жиҳдий ёндашувини тақозо этади. Шу боис қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва Давлат дастурини амалга оширишда иштирок этаётган бошқа ташкилотларга долзарб вазифалар юклатилган. Жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлаш, носоғлом ривожланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, ноғирон болалар ва ўсимирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифалар сирасидан ўрин олган. Тиббий ёрдам кўрсатишининг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлини муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини юксалтиришнинг таъкидлангани соҳа ҳодимларининг масъулиятини кучайтиради.

Шунингдек, соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни янада мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш кенг жамоатчилигининг хабардорлигини, ҳақоний ва холисона назорат тизимининг вужудга келишини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори адлия органлари зиммасига ҳам қатор масъулият юклайди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш омиллари, эрта никоҳларнинг олдини олиш масалаларида тарғибот тадбирларини ўтказиш, ФУДЭ органларининг ҳамкор ташкилотлар билан ижтимоий шериклик муносабатларини янада кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Давлатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий-маърифий чора-тадбирларнинг бош мақсади оила манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашдан иборатдир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодига барпо эта олади. Истикболимиз бунёдкорлари, юрт таянчлари эса оилада шаклланади.

ларга тиббий ёрдам кўрсатувчи 227 та муассаса замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида замонавий перинатал марказлари ташкил этилгани юртимизда инсон манфаатлари ҳар жиҳатдан ҳимояга олинганидан далолатдир. Қишлоқ жойлардаги 1,5 миллион нафардан зиёд ҳомиладор аёл давлат бюджети маблағлари ҳисобидан поливитаминалар билан таъминлангани ҳам келажак авлоднинг соғлом туғилиши, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим омилдир.

Бундай чора-тадбирлар натижасида кейинги 5 йил мобайнида нуқсонли болалар туғилиши 1,3 баробарга камайди. 6-15 ёшгача бўлган болалар ўртача ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш — 9,7 фоизга, пневмония билан — 49,1 фоизга, бронхит билан — 32,8 фоизга, сколиоз билан касалланиш — 32,7 фоизга пасайди.

Жорий йилдаги қарор эса ушбу эзгу ишларни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб берди. Қолаверса, аҳоли саломатлигида давлатимизнинг эътибори янада кучайди. Қарор «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан ҳамда ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўсиб келаятган авлодни камол топтиришда соғлиқни сақлаш тизимининг роли ва масъулиятини ошириш бўйича мамлакатимизда доимий равишда ўтказиб келинаётган ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишдек хайрли мақсадларга хизмат қилади.

ЭЪТИРОФ



Келажак истиқболи порлоқ ёшлар қўлида

< [1]

Мамлакатингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг шохидиман. Айниқса, давлат томонидан таълим тизимига қаратилаётган эътибор, кўрсатилаётган гамхўрлик жаҳоннинг камдан-кам давлатларида кузатилади. Бу эса келажакка қўйилаётган мустаҳкам пойдевордир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган, Япония билан ўрнатилган дипломатик муносабатлар туфайли орзуларим ушалди: юртингизга нафақат келиш, балки шу ерда яшаш ва ишлаш ҳам насиб этди. Мамлакатингизга таширишим истиқболнинг илк кунларига тўғри келганди. Мана, йигирма уч йилдан бери Ўзбекистонлик талаба-ёшларга япон тилидан сабоқ бериб келаман.

Ҳар гал машғуллар давомида ўзбек ёшларининг зийрак ва тиришқилиги, интилувчанлиги мени хайратга солади. Берилган вазифаларни ўз вақтида бажариш, устозларнинг ҳурматини жойига қўйишда ўзбек фарзандларига етарли йўқ.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Япониянинг Токио, Цукуба, Хоси университетлари ўртасида

ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик ўзбек талабалари учун маҳорат мактабини ўтамоқда. Ўтган йили 30 нафар ўзбек ёшлари кунчиқар мамлакатда тажриба орттириб келишди.

Жаҳон илм-фани ва маданиятига беназир ҳисса қўшган улуг алломаларнинг бебаҳо асарларини ўқиш орқали юртингизга меҳрим ошган. Бугун ўзбек халқи Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Мени ёшлигимда «Дунё харитасида кафедек жойни эгаллаган Ўзбекистонда жаҳонга машҳур жуда кўп олим уфузалар қандай етишиб чиққан?», деган савол ўйлантирарди. Мамлакатингизга келиб, тарихий шаҳарларни зиёрат қилиш ҳамда талабаларга сабоқ бериш асносида мазкур саволга жавоб топдим.

Юртингизда ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шaroит муҳайё. Хали кўрасиз, ордан бир неча йил ўтиб юртингиз дунёдаги энг тараққий этган давлатлар сафидан жой олади. Чунки ўзбек ёшларининг томирида Америка қитъасини кашф қилган, тиббиёт фанига асос солган, юлдузлар тоқига нарвон қўйган буюк мутафаккирларнинг қони оқмоқда.

САХОВАТ



«Бободехқон» тўйлари файзли ўтади

Бугун қай бир маҳаллага борманг, байрам шухуқи, шодиёналари давм этаётганига гувоҳ бўласиз. Айни кунларда Юнусобод туманидаги «Файз» тўйхонасида «Бободехқон» маҳалласи фаоллари ташаббуси билан 23 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди.

■ **М. ЛАТИПОВА «Mahalla»**

Ушбу тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимчиси вакиллари, маҳалла фаоллари, хуллас, жами 300 нафар киши иштирок этди. Тадбиркорлар кўмағида ёзилган байрам дастурхони, санъаткорларнинг кўй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, Фонд ва хомийлар томонидан ажратилган совғалар болаларга қувонч улашди.

— Маҳалламизда истиқлол шодиёналарини нишонлаш доирасида болақонларнинг суннат тўйини ўтказиш аниқнага айланган, — дейди маҳалла раиси Тоир Эргашев. — Зотан, бундай тадбирлар маҳалладошлар ўртасида бирдамлик, иноқлик туйғулари

мустаҳкамлайди. Фахр билан айтишим мумкинки, ўтган давр мобайнида маҳалламиз худудда бирорта шикоят, кўни-қўшинлар ўртасида низоли ҳолатлар кузатилмади. Бу, аввало, ишсизлик муаммосига буткул барҳам берганимизда, деб ўйлайман.

Худудда тадбиркорлик ва кичик бизнес яши йўлга қўйилган, маҳалладаги 16 та тадбиркорлик субъекти аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашаётган. Жорий йилда сутни қайта ишлаш корхонаси 31 кишига иш берди. Улардан 19 нафари хотин-қиз экани эътиборга молик. Касаначилик, қуроқчилик, зардўзлик, қўрпа ва тўн тикиш шохобчалари ёшларга касб-хунар ўргатиш, хусусан, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда асқотмоқда.



МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

Бунёдкорлик ҳавас ва хайратни уйғотган

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг эзгу анъаналаридан. Дарвоқе, мустақиллик кунини муносабат билан Қашқадар вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларида 200 дан ортиқ маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди.

■ **Санобар БОЙМУРОВА «Mahalla»**

Китоб туманида бунёдкорлик ишлари кўлами ҳар қачонгидан-да кенг. Истиқлол арафасида 23 дан ортиқ янги иншоот қурилиб, ишга туширилди. Айниқса, Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини учун барпо этилган янги замонавий бино Новкат қишлоғига кўрк бағишлади.

«Шўртангазим» мажмуаси хомийлигида қад ростлаган бу бинода барча шарт-шароит яратилган. Кенг ва шинам хоналар меҳбель жиҳозлари ва компьютер жамланмалари билан таъминланган. Шунингдек, бино ёнида тикувчилик цехи, сартарошхона ва савдо мажмуаси қад ростлади.

— Аҳоли яратилган қулайликдан мамнун, — дейди фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Худойбер-

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Тантанадан тўлқинланган қалб

Юртимиз бўйлаб истиқлол шодиёналари давм этаётган айни кунларда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Маннон Уйғур номидagi маҳалла фуқаролар йиғини худудидagi 167-умумтаълим мактабидa «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида байрам тадбири ташкил қилинди.

■ **Раҳима ОТАБОВЕВА, ўқитувчи.**

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимчиси, Хотин-қизлар кўмитаси, халқ депутатлари туман ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, маҳалла фаоллари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ишти-

рок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлолимизнинг 23 йили давомида фахрланса арзигулик ишлар, улкан ютуқлар қўлга киритилди. «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида ёшларни баркамол қилиб вояга етказиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида ўқувчилар

да икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш маркази ишга туширилди. Бинонинг иккинчи қаватидан тикувчилик цехи, гўзаллик саломи ва савдо дўкони ўрин олган. Биринчи қаватида эса, нон цехи ишга тушади. Ушбу мажмуа тадбиркор Содик Исмоилов ташаббуси билан қуриб битказилди. Бу ерда 20 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Қарши шаҳридаги «Шайхли» маҳалла фуқаролар йиғини шу вақтга қадар эски бинода фаолият юртарди. Фуқаро Жўра Тўхтаев ўз маблағи ҳисобидан маҳалла учун замонавий бино қуриб берди.

— Гузар деса дегулик, меҳмон келса уялмай кўрсатгулик бино

қад ростлади, кўриб ҳавас қиласиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исмоил Поёнов. — Гузарда мажлислар зали, маънавият ва маърифат, профилактика нозирини учун алоҳида хоналар бор. Мебель жиҳозлари, компьютер жамланмалари йиғин фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилаётган. Бундан ташқари, саховатпеша тадбиркор Ж.Тўхтаев ўз маблағи ҳисобидан супермаркет ҳамда тўйхона қурилиши бошлаб юборди.

Ҳа, амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишлари, албатта, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Юртимиз бўйлаб истиқлол шодиёналари давм этаётган айни кунларда Пахтаобод туманидаги «Файз» тўйхонасида «Бободехқон» маҳалласи фаоллари ташаббуси билан 23 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди.

■ **М. ЛАТИПОВА «Mahalla»**

Ушбу тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимчиси вакиллари, маҳалла фаоллари, хуллас, жами 300 нафар киши иштирок этди. Тадбиркорлар кўмағида ёзилган байрам дастурхони, санъаткорларнинг кўй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Айниқса, Фонд ва хомийлар томонидан ажратилган совғалар болаларга қувонч улашди.

— Маҳалламизда истиқлол шодиёналарини нишонлаш доирасида болақонларнинг суннат тўйини ўтказиш аниқнага айланган, — дейди маҳалла раиси Тоир Эргашев. — Зотан, бундай тадбирлар маҳалладошлар ўртасида бирдамлик, иноқлик туйғулари

мустаҳкамлайди. Фахр билан айтишим мумкинки, ўтган давр мобайнида маҳалламиз худудда бирорта шикоят, кўни-қўшинлар ўртасида низоли ҳолатлар кузатилмади. Бу, аввало, ишсизлик муаммосига буткул барҳам берганимизда, деб ўйлайман.

Худудда тадбиркорлик ва кичик бизнес яши йўлга қўйилган, маҳалладаги 16 та тадбиркорлик субъекти аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашаётган. Жорий йилда сутни қайта ишлаш корхонаси 31 кишига иш берди. Улардан 19 нафари хотин-қиз экани эътиборга молик. Касаначилик, қуроқчилик, зардўзлик, қўрпа ва тўн тикиш шохобчалари ёшларга касб-хунар ўргатиш, хусусан, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда асқотмоқда.

МУТАХАССИС ШАРҲИ



(ЎЗА) олган сурат.

Мол-мулк ва ер солиғи маҳаллий ривожланишга йўналтирилган

Мамлакатимизда барча жабҳалар қатори солиқ соҳасини ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса юртимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, фуқаролар турмуш даражасининг ўсиши, ҳўжалик фаолиятини юритиш муҳитини яхшилаш ва ижтимоий соҳага оид янгидан-янги лойиҳаларни рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Равнан НАСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бош бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Айниқса, жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича қатор имтиёз ва ўзгаришларнинг жорий қилингани аҳоли фаровонлигининг юксалишида алоҳида ўрин тутаётир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, жисмоний шахсларга тегишли қўчмас мулк — уй-жой, квартира, далаҳовли, гараж ва бошқа иморатлар, иншоотлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари солиқ солиш объекти ҳисобланади. Уларга оид солиқларни ҳисоблаш ва тўлов хабарномаларини солиқ тўловчиларга тақдим этиш, тўланганларни назорат қилиш давлат солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Мазкур турдаги солиқлар маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, маҳаллий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш, шаҳар ва туманларни иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш, шу билан бирга аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Ушбу йўналишдаги солиқ ставкалари ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

Мол-мулк ва ер солиқлари суммаси ҳамда уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳар йили 1 январь ҳолига қўра кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосан ҳисоблаб чиқарилади. Бу турдаги мол-мулкларни баҳолаш бўйича ваколатли органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаган тақдирда, жорий йилда солиқ ҳисоблаш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18 480,0 миң сўм, бошқа шаҳар ва қишлоқ жойларда 8 030,0 миң сўм миқдорда мол-мулкнинг шартли қийматлари қўлланилади.

Агар, айрим сабабларга қўра, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобланмаган бўлса (масалан, солиқ органида жисмоний шахс эгалигидаги қўчмас мулк ёки ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда), давлат солиқ хизмати органлари бундай маълумотларни олган кундан бошлаб солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Қайд этиш жоизки, жисмоний шахслар солиқ имтиёзидан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайдан эътиборан улар амал қиладиган бундан давр мобайнида фойдаланишга ҳақлидир. Бунинг учун улар мазкур солиқлар бўйича

имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишлари лозим.

Амалдаги қонунчиликда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифалари учун имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сибсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни асосида Солиқ кодексининг 275- ва 290-моддаларига ўзгаришлар киритилди. Унга қўра жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўн нафар ва ундан ортқ болалари бор аёллар, нафақахўрлар ҳамда I ва II-гuruh ногиронларига қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон 60 кв. метр ўлчами доирасида мол-мулк солиғидан имтиёз қўлланилиши белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур қонунга мувофиқ жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлар, ер солиғидан эса яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилкибоқарлари, механикаторлар, ветеринария врачлари ва техникалари ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилари, шахсий пенсия тайинланганлар учун берилган имтиёзлар бекор қилинди.

Қолаверса, жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкалари, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан тураржой фонди объектлари нотураржой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотураржой фонди объектлари мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади ва уларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, соҳа қўнунчилигидаги ўзгаришларнинг кенг жамоатчиликка етказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кўмаги қўл келмоқда. Жойлардаги Давлат солиқ инспекцияси ходимлари фаоллар билан биргаликда аҳоли иштирокидан урчашувлар ташкиллаштириляётир. Уларда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларининг тўлов муддатлари йилга бир марта ҳисоб-тобелининг 15 октябрга қадар белгилангани, агар шу муддатда тўланмаган тақдирда, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисоблашга сабаб бўлиши тушунтириляпти. Шунингдек, тўловларни амалга оширмаган фуқаролардан солиқлар қонун-дар амал қиладиган бундан давр мобайнида фойдаланишга ҳақлидир. Бунинг учун улар мазкур солиқлар бўйича

«МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН»

Ўзлигини англаган ўтмишини қадрлайди

< [1]

Айни пайтда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида ташкиллаштирилган танловлар ҳудудларда қизгин паллага кирган. Дўстона беллашув, билим ва маҳорат мусобақаси Тошкент вилояти Зангиота туманида ҳам юқори савияда, юксак ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғоялари асосида ташкиллаштирилди.

Туман — пойтахт вилоятининг энг катта ҳудудларидан. Шу боис ушбу танловнинг қамрови янада кенгайди — 155 та маҳалла фуқаролар йиғини танловда қатнашиб, ўз ҳудуди тарихини тараннум этди. Улар орасидан энг кучли деб топилган 13 та маҳалланинг 13 та жамоаси туман bosқинида иштирок этди. Танлов Низомига қўра жамоалар 5 нафар иштирокчидан иборат бўлди. Асосан, умумтаълим мактаби, касб-хўнар коллежлари ва академик лицей ўқувчиларидан таркиб топган жамоаларда йиғин ҳузуридаги Воғга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияларнинг бир нафардан аъзолари ҳам қатнашгани маҳалладаги ҳам-жихатлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлайди, албатта.

Танловдан олдин иштирокчиларнинг маҳаллалар тарихи ва бугунги ҳаётини ўзида мужассамлаштирган кўргазмаси намойиш этилди. Унда миллий хўнармандчилик намуналари, айрим маҳаллаларда ташкил этилган музейлар экспонатлари, бугунги тадбиркор-хўнармандлар ишларидан намуналар тақдим этилди. Узоқ тарихга эга осори-атиқалар, хонадонларда сақланаётган ноёб миллий ашёлар — қўча услубда тўқилган дўппи, қадимий сўзанаю палаклар жозибаси барчани хайратга солди.

Илк шартда жамоалар тайёргарлик даражасига қараб, 60 баллига жағаришди. Мамлакатимизда маҳалла институтининг тарихини тизимли равишда ўрганишни ташкил этиш орқали маҳалла ёшларининг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, демократик ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётини, фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришда «Ўзбек модели»нинг моҳияти ва мазмунини, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш,



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

жамиятда барқарорликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлаш бўйича кенг қўламли ишларни ҳамда бу борада маҳалланинг роли ва ўрнини чуқур ўрганиш, аққол кўрсатиб беришга қаратилган ишлар ҳужжатлар асосида баҳоланди.

Танловнинг иккинчи қисмида қатнашчиларнинг маҳорати яна бир бор синовдан ўтказилди. Бунда жамоалар саҳна кўринишлари орқали ўз маҳалласи тарихини чуқур билиши, ундан гурурланишини баён этишди. Айниқса, иштирокчи ўсмирларнинг ота-болаларимиз қатъий амал қилган анъана — «етти ота наслини аниқ айтиш», шубҳасиз, тарихимизга бўлган эътибор самарасидир. Саҳна кўринишларида маҳаллаларнинг эҳтиёманд оилалар ва яққа-ёлғизлар ҳолидан хабар олиши, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий таянч бўлаётгани таъсирчан ҳолда намойиш этилди. Иштирокчи ўсмирлар, шунингдек, маҳаллаларнинг азалдан меҳр-оқибат маскани бўлиб келганини ҳам кўрсатишга уринишди. Бундай ҳолат уларда дунёда ўхшаши йўқ ноёб тузилма — маҳаллага бўлган ишонч ва ҳурматни янада ошириши тайин.

Табийки, ўтмишини унутган, аждоқлари қимлигини билмаган кишидан бирор инсоний фазилат ахтариш, эзгулик кутиш даргумон. Шаҳарасини билган, ота-болалари қандай кишилар бўлганини юракдан хис қилган инсон эса, албатта, уларга ўхшашга, аждоқларидан гурурланиб уларга муносиб ворис бўлишга чоғланади. Мазкур беллашувда иштирок этган ҳар бир ўғил-қиз қалбидан ана шундай ҳислар тўлиб-тошгани аниқ.

Ушбу фикримизга далил сифатида танловнинг 3-шарти асосида ёзилган иншооларни келтириш мумкин. Ҳасан-

бой қишлоқ фуқаролар йиғини «Баҳор» маҳалласи жамоаси аъзоси, ҳудуддаги 66-мактабнинг 9-«В» синф ўқувчиси Мухлиса Тўраеванинг иншооси танловнинг бу шартига сермазмунлиги, беҳато ва раван ёзилгани билан энг сара, деб топилди. «Ватанимиз тарихини билиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз. Қўча обидалар, маданий ёдгорликлар аждоқларимиз даҳосидан, олис ва буюқ ўтмишимиздан шохидлик беради. Юртимизнинг гўзал ва сўлим табияти, қадимий ва замонавий иншоотлари, айни пайтдаги ўзгаришлар дунёни ўзига мафтун этиб келмоқда. Мен Ўзбекистонимизни буюк манзил сари отланган қарвонга, маҳалламизни унинг бир бўлагига қиёслайман. «Баҳор» номини олган маҳалламиз, бунту мамлакатимизда доимо баҳор нафаси эсишини, бунёдкорлик ва эзгуликлар қуртак очиб буй кўрсатишини истаймман. Бунинг учун биз ёшлар яратилган мавжуд шароитлардан унумли фойдаланиб, бор қуч ва маҳоратимизни ишга солиб, илму хўнар эгаллашимиз даркорлиги доимо ёдимизда».

Ҳар бир жамоанинг ўзига хослиги, интилиши, саяё-ҳаракати ҳакамлар эътиборидан четда қолмайди. Умумий балларга қўра, 1-ўрин Чоштепа қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Оқтепа икбоб» жамоасига, 2-ўрин Ҳасанбой қишлоқнинг «Баҳор» жамоасига, 3-ўрин Эркин қишлоқнинг «Фидокорлар» жамоасига насиб этди. Биринчи ўрин соҳибларига диплом ҳамда мебель жиҳозлари тўплами топширилди. Кейинги ўринларни эгаллаган жамоаларга диплом ва қимматбахо совғалар тақдим этилди. Қолган жамоаларнинг ҳам ғайратли муносиб тақдирларини: «Энг аҳил жамоа», «Энг билимдон тарихчи», «Энг фал ёшлар» каби номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

МАҲАЛЛАДАН ХОРИЖГА

Экспортбоп маҳсулотлар ҳажми ортмоқда

Андижон шаҳри маҳаллаларида тадбиркорликнинг турли йўналишларида иш бошлаб, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ишбилармонлар сифи кенгайиб бораётир.

А.АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

Хусусан, «Боғишамол» маҳалласидан Шомирабону Исроилова раҳбарлигида фаолият юритиб келаётган «Urn Textile» масъулияти чекланган жамияти қисқа муддат ичида харидорлар эътиборига тушиб, ички бозорни сифатли, ҳамёнбоп енгил саннат маҳсулотлари билан забт эта олди. Ёш тадбиркорнинг изланиши ва ташаббускорлиги натижасида янги маҳсулотлар яратилиб, хориж бозорига олиб чиқилди. Бунда Юртбошимиз раҳнамолигида ишбилармонларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляётгани муҳим омил бўляётир.

Пахта хомашисидан тала тайёрлаш, уни тайёр маҳсулот ҳолига келтириш жараёни корхонанинг ўзида амалга оширилади. Илғор технологиялар ёрдамида яратилаётган 30 турдаги катталар ва болалар кийим-кечаклари сифати ва дизайни билан хориж бозори талабларига тўла мос келмоқда.

Тадбиркорнинг таъкидлашича, корхонанинг ўтган йилги экспорт ҳажми 550 миң АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида бу кўрсаткич 1 млн. 450 миң АҚШ долларига етди. Қолаверса, қулай ишбилармонлик муҳити самараси ўлароқ, ўтган йили ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайтирилиб, Германиядан 230 миң долларли замонавий тўқув дастгоҳи келтирилди. Натижада ҳудуддаги 25 нафар коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди. Айни пайтда бу ерда 100 нафар ишчи меҳнат қиляётир.

Андижон шаҳридаги 2-сон маҳалласида яшовчи Зиёиддин Хушназаров бошличилида фаолият юритаётган «Гранд биллур» масъулияти чекланган жамияти хорижга маҳсулот экспорт қилиш салоҳияти юқори корхоналар қаторидан ўрин эгаллади. Пахта ва табиий ипак матодан тикиляётган маҳсулотлар қисқа фурсатларда нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорғир бўлди.



Маълумотларга қўра, корхона Россия ва Украина давлатларига салкам 150 млн. долларли маҳсулот экспортини амалга оширди. Турли хилдаги енгил саннат маҳсулотлари тайёрланаётган ушбу жамиятда айни пайтда маҳалланинг 35 нафар аҳолиси иш билан банд.

Тадбиркор ҳудуддаги касб-хўнар коллежлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Жорий йилда ҳам ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўқитган 8 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома имзоланиб, улар ишга қабул қилинди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги тармоқ ва корхоналар барпо қилишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлинимаси раиси ўринбосари Ботиржон Турсунов. — Шу боис бўлинимиз томонидан маҳаллаларда ана шундай йирик корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда амалий кўмак бериб келинапти. Натижада катта саннат салоҳиятига эга завод ва фабрикалар ишга туширилиб, ҳудуд иқтисодиётининг ўсиши ва аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

Яқинда боғишамоллик тадбиркорлар ташаббуси ҳамда Фонднинг амалий кўмаги ва фуқаролар йиғинининг қўллаб-қувватлиши тўғрисида янги корхона биноси қуриб битказилди. 150 та иш ўрнига эга ушбу пайпоқ тўқуш фабрикаси мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик айбми арасида фаолиятини бошлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Сармоялар тадбиркорлик ривожидида муҳим омил

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида аҳолига юқори даражада сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ислоҳотлар олиб бориляётир. Бу борада «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкнинг Самарқанд вилояти филиали томонидан амалга ошириляётган ишлар эътирофга лойиқ.

Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Вилоятда фаолият юритаётган тижорат банклари орасида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаяётган мазкур молия муассасаси миңжозларга ҳар хил турдаги банк хизматларини тақдим этиш асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларини янада ривожлантириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Банк томонидан 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларига жами 18,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига 100 нафарга яқин ёш иш ўрнига эга бўлди. Шунингдек, Президентимизнинг «Озиз-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирившга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кен-

гайтирилишини рағбатлантириш босқинида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан муассаса кичик бизнес вакиллари озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун 13,5 млрд. сўм миқдорда сармоя йўналтирди. Натижада замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ичмам қайта ишлаш корхоналари барпо этилиб, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирившга кенг имкониятлар яратилди.

Бугунги кунда касб-хўнар коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, улар бандлигини таъминлаш долзарб вазифа. Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ёшларимизнинг бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларини битирувчиларини тадбиркор-

лик фаолиятига жалб этиш босқинида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан касб-хўнар коллежи битирувчиларга имтиёзли шартларда 913,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки касб-хўнар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида ўтказилаётган турли хил семинарлар, тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 3 та касб-хўнар коллежида битирувчилар бандлигини таъминлаш юзасидан «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — элга мададкор» мавзуларида ўқув-амалий семинарлар ўтказилиб, уларнинг 38 нафарига имтиёзли шартларда кредит ажратилди.

Пайдарик туманида ўтказилган ана шундай тадбирда Енгил саннат касб-хўнар коллежининг 10 нафар битирувчи қизи сертификат ва имтиёзли шартлардаги банк кредитга эга бўлди.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида жойлашган «May Tur Services» масъулияти чекланган жамиятига туризмни ривожлантириш мақсадида замонавий меҳмонхона хизматларини жорий этиш, Самарқанд туманидаги «Мароқанд парранда»



масъулияти чекланган жамиятига паррандачиликни ривожлантириш, Булунгур туманидаги «Булунгур узумзорлари» масъулияти чекланган жамиятига эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун узоқ муддатли кредит маблағлари йўналтирилди. Пировардида қўллаб-янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкнинг доимий мижози бўлган

«Kreative-progress» хусусий корхонасига узоқ муддатли кредит ажратилиши асосида корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми бир неча бараварга ошди. Мазкур корхона «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг Самарқанд шаҳар bosқинида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

Банк филиали томонидан вилоятини ривожлантириш бўйича қўламли ишлар баҳарлиди. Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш босқинида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан, аёл тадбиркорларга 2,3 млрд. сўмдан зиёд сармоя йўналтирилиб, жойларда аёлларни иш билан таъминлаш масаласи ўз ечимини топмоқда.

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилояти филиали жорий йил давомида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 28,0 млрд. сўм миқдорда кредит ажратишни кўзда тутган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур молия муассасаси маҳаллий молия бозорида истиқболли, жадал ривожланаётган, миңжозларга кўрсатиляётган хизматлар қўламини доимо кенгайтириб бораётган банк сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.



«НАМУНАЛИ ОИЛА»



Носир ҚИДРОВ оғлан сўраёт.

Маънавий етуклик — чинакам бахт белгиси

Икки қизи ва ўғлининг кун давомиди нима билан машғул бўлганини сўраб-суриштиради, берилган топшириқларни қандай бажарганини назорат қилади. Унинг назарида буларнинг барчаси муҳим.
— Фарзандлар камолоти учун зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди Сафийона. — Шундай экан, улардан оқилона фойдаланиб, ёшларимизни билим, соғлом ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш биз — ота-оналарнинг вазифамиз. Тарбияда меҳр билан қаттиққўллик ўйун бўлиши лозим. Фарзандларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки оғиздан чиққанни муҳайё қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.
Бу оиланинг яна бир ибратли жиҳати шундаки, унинг барча аъзолари китобхон. Бўш вақтда ота-онанинг мутолаа билан банд бўлганини кўрган фарзандлар ҳам китобга меҳр қўйиши табиий. Хонадондаги мўъжаз кутубхона — болаларнинг сеvimли ошёни.
— Китоб мутолааси инсоннинг тиришқоқлиги, изланувчанлигини оширади, — дейди Тошкент иқтисодий университетининг магистратура бўлими бичибери, айна пайтда Навоий халқаро аэропортида ишлайётган Умиджон. — Онам бизга одоб-ахлоқ тўғрисида соатлаб гапириб ўтирмасди, қўлимизга китоб тутқазиб, ўқиб бўлгач, мазмунини сўрарди. Бирор камчиликка йўл қўйган бўлсам,

ИФТИХОР

Чемпионлар маҳаллада улғаяди

Таъкидлаш жоизки, юртимиз маҳаллаларида спортни оммалаштириш, болаларни турли жисмоний тарбия тўғрисида қарор топтириш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди худудий тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан улкан ишлар амалга оширилаётган.
Фонд кўмагида ташкиллаштирилган «Маҳалламиз пахлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Футболмиз келажаги» мусобақалари юртимизда чемпионларнинг янги авлоди шаклланишига, уч босқичли спорт мусобақаларининг янги куч ва руҳ олишига сабаб бўлаётган.
Накннда ўтган олимпиада баҳсларида терма жамоамизга биринчи олтин медални туҳфа этган дзюдочи Сўҳроб Турсунов Деновдаги «Уриқзор» маҳалласида туғилиб ўсган. Унинг спортга дадил кириб келишида маҳалладаги муҳит, айниқса, фуқаролар йиғини хузуридаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзолари томонидан олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти бекиёс. Йиғин раиси Ойтош Бойқуллованинг таъкидлашича, маҳалладаги деразлар хар бир бола спортнинг у ёки бу турига қизиқади. Уларнинг мунтазам чиникиб бориши учун бокс, дзюдо, ўзбек жанг санъати тўғрисидаги ишлар бўлиб турибди.
Шаҳардаги 7-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди таҳсил олган Сўҳроб машғулотларда обдон тоблани, иродасини чиниктирди. Шу боис у мақсади сари интилувчан, ҳаракатчан, тиришқоқ йиғит бўлиб вояга етаётган. Унинг галабасидан маҳалладошлар бениҳоя гурурланиши, болаларнинг унга ҳаваси ортди.
— Сўҳробжоннинг бу галабаси маҳалламиз ўғил-қизларига куч бағишлади. Болаларимизнинг қатъияти,



(Ў.А. оғлини сўраёт.)

спорт машғулотларига алоҳида иштиёқ билан қатнашаётганидан шунга аминманки, яқин келажақда маҳалламиздан яна ўнлаб чемпионлар етишиб чиқади, — дейди раиса.
Кейинги йилларда юртимизда оғир атлетика тобора оммалашиб бормоқда. Хитойдаги мусобақаларда Ватанимиз шарафини спортнинг ушбу тури бўйича ҳимоя қилган яна бир қаҳрамон — Адҳамжон Эргашев Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Ҳадикент» маҳалласидан. Олдий ўзбек оиласида вояга етаётган ўсмирнинг кўлга киритгани келгусида оғир атлетика бўйича нуфузли мусобақаларда юртимиз спортчиларининг янада юқори чўққиларни забт этишларига ўрнатилган хизмат қилиши тайин.
Ўзбекистон миллий олимпиада кўми-



Овоз тезлигидаги кемалар

Харбин технология институти ходимлари Хитойда юқори овоз тезлигидаги сувости кемалари ва торпедалари ишлаб чиқаришга кўмаклашадиган технологияни яратибди.



деб номланувчи мазкур технология, ҳар қанча қийин бўлмасин, амалиётга татбиқ этилади.

«The South China Morning Post» газетасида ёзилишича, бундай технология билан қуролланган кема Шанхайдан Сан-Францискогача тахминан юз дақиқа ичида етиб боради. Сувости корабли ракета двигателига эга бўлади. Назарий жиҳатдан бундай кемалар тезлики соатига 5,8 миң км.гача еткази олади. Сувда овознинг тезлиги лаҳзасига 1,5 миң метрни ташкил этади. Профессор Ли Фэнчэньнинг фикрича, суперкавитация

Мўъжиза туфайли

Ўқитистон аэропортида тўрт ёшли Карина Чиктова ва унинг садоқатли кучукчаси Шарикка ҳайқал ўрнатиладиган бўлди.



кун ўтиб, мўъжиза туфайли қизалоқнинг тирик топиллиши мамлакатдагина эмас, хорижда ҳам шов-шувларга сабаб бўлди.
Карина мева ва ўт еб жон сақлаган. Афтидан, ўрмоннинг салқин тунларида ити уни иситиб чиққан. Тўққиз кун ўтиб, садоқатли жонивор қизалоқ қайтган ва кишиларни қизалоқ адашган жойга етаклаб келган. Қизчани вертолётда тиббиёт марказига олиб кетишган.
Ўқитистон аэропорти жамоаси Карина ва унинг ойисига даволаниш ва соғлигини тиклаш учун санаторийга йўллама ҳада қилган.

Олекминск туманининг Олом қишлоғида яшовчи жажжи қизалоқ Тайгада адашиб қолган. Унинг одам бўйи келадиган ўт-ўланлар, йирткич бўри ва айиқлар тўла даладаги номаълум тақдирини кўпчилики хавотирга солган. Орадан 10

ФОНД КЎМАГИДА

Болажонлар учун қизиқарли томоша

Мустақиллик барча учун бирдек қувончли ва қадрли байрам. Ушбу айём шодиёналари доирасида Ўзбек давлат циркида намойиш этилаётган томошалар кўртоқларини назарда тутиб, кўтаринлик бахш этаётган.

МОҲИЧЕХРА ЛАТИПОВА «Mahalla»

31 сентябрга қадар давом этадиган томошалар дастуридан таниқли цирк санъати усталарининг бири-биридан қизик, сара сахна кўринишлари ўрин олган. Томошабинлар сафидида маҳаллалардаги кам таъминланган ҳамда эҳтиёмжанд оилалар, уларнинг фарзандлари ҳам бор. Хусусан, тўрт кун мобайнида ўтган икки қисмли дастурда 1100 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси ва Ногиронлар жамиятининг 100 нафар аъзоси иштирок этди. Ҳафтанинг шанба, яқшанба кунлари кўрсатилаётган томошаларнинг хар бир сеансига Фонднинг туманлар-

даги бўлинмалари тавсиясига кўра 300 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул чипталар тарқатилмоқда.
— Мустақиллик шодиёналарини пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлмиш Хадра майдонида нишонладик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат



фонди Шайхонтоҳур тумани бўлинмаси масул котиби Жамолддин Юсупов. — Майдонда маҳаллалар аҳли, хусусан, кам таъминланган оилаларнинг 350 нафардан зиёд аъзоси учун санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, байрам табриклари билан бирга цирк томошалари ҳам намойиш этилди.
Ота-оналар манзарали дарахтлар соясида хордик чиқарган бўлса, болажонлар аттракционларда ўқиб, фавворалардан мириқиб завқ олинди.
Мазкур томошалар болаларни жониворларнинг ўзига хос табиати билан таништиради. Айниқса, дорбоз, акробат ва ҳайвон ўрғувчиларнинг маҳоратлари, масҳарабоз-қизикчиларнинг чиқишлари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Ҳада шартномаси қандай тасдиқланади?

— Ҳада шартномасини тасдиқлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз. Бундай шартномада ҳада уни ҳада этувчининг вафотидан кейин топширилиши назарда тутилмиши мумкинми?

САВОЛ

Улуғбек САЛИМОВ, Тошкент шаҳри.

— Ҳада шартномасига мувофиқ ҳада қилувчи ҳада олувчига ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади. Ҳудуд унга ўзига ёки унинг шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ҳамда бериш мажбуриятини олади. Бу билан ўзи ёки унинг шахсга мулк мажбуриятдан озод қилади.
Бирор шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришнинг ёки бирон-бир шахсга мулк мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш, уни мулк мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳада шартномаси, деб тан олинади. Ҳада яна олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириши назарда тутувчи шартнома ҳақиқий эмас.
Бундай шартномада ҳада

нарсаси аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли. Ҳада шартномасида ҳада олувчи ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда, ҳада қилувчининг ҳада бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйиши мумкин.
Шартноманинг предмети кўчмас мулк бўлганида, кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлаш қоидалари қўлланилади. Шартнома предмети автомобилотранспорт воситалари бўлса, уларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларда тасдиқлаш қоидалари қўлланилади.

■ Маҳсума ОРПИҚОВА, Миробод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Ватанга муҳаббат — улуғ туйғу, улуғ саодат

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ота-боболаримиз захматно озодлик йўлидаги курашларини, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш мақсадини кўзлаб назардан ўтказиш зарур. Ҳада шартномасида ҳада олувчи ҳада қилувчидан олдин вафот этган тақдирда, ҳада қилувчининг ҳада бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйиши мумкин.

АБДУРАҲИМ НОРМУҲАММЕДОВ, МЕҲНАТ ФАҲРИЙСИ.

Тарихчи бўлганим боис истиқлолнинг қадр-қимматини ёшлар онгу шуғурига синдиришга интиланман. Олий таълим муассасаларида 50 йилдан зиёд юритган фаолиятим жароғида буюк аждодларимизнинг, айниқса, фан, адабиёт соҳасига қўшган бекиёс ҳиссасини та-

лабларига тушунтирдим. Хусусан, астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарихни чуқур билган буюк қомусий олими Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти, илмий мероси ҳақида ёшларни, уларнинг ота-оналарини хабардор қилиш мақсадида мувофиқдир. У она тилидан ташим қари, араб, сўғдий, форсий, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини, кейинчалик санскрит тили-

рида Туркияда топилди. «Сайдана» номи билан машҳур бу асарда Беруний Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг батафсил тавсифини берган.
Юртимизда аллома бобомиз ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳ.Абдуллаев, И.Мўминов, В.Зоҳидов, Я.Фулмолов, У.Каримов, С.Булгаков каби атоқли олимларимиз Беруний фаолияти ҳақида кўплаб рисолалар ёзишган. Шу билан бирга, Берунийнинг «Қадимги ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Масъуд қонуни», «Геодезия», «Сайдана» каби асосий асарларини ўз ичига олган кўп жилдли сайланмаси ўзбек ва рус тил-

ларида нашр этилган. Кўчалар, институт, университетга алломанинг номи берилган.
Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилаётган тарғибот тадбирларида Беруний, Мирзо Улуғбек сингари сиймоларни ёдга олмай бўладими?! Шу боис Чилонзор тумани «Чарқ Камолон» маҳалла фуқаролар йиғинида уюштирилган тадбирларда улуғ ватандошларимиз ҳақида кенгроқ маълумотлар бериладими? Бу савъ-ҳаракатларимиз ёшлар онгида аждодлар меросига қизиқиш, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.